

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

219 Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сонли Фармони бажариш юзасидан ҳамда ягона давлат инвестиция сиёсатини юритиш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 95 нафардан иборат ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси 1-ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси таркиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-ва 3а-иловаларига* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисига, зарурат бўлганда, марказий аппарат тузилмасига, Қорақалпоғистон Рес-

* 1 — 3а-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

публикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари тuzилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бир ой муддатда:

зиммасига юкланган асосий вазифалар ва фаолият йўналишларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси тўғрисидаги низомни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сонли қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси марказий аппаратининг ходимларига нисбатан жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 январдаги ПП–2722-сонли қарорининг 1-бандида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг ходимларига нисбатан жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ходимларининг штат жадвалларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланма-

ган бошқа манбалар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ходимларини рағбатлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисига бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш манбаларини белгиласин ҳамда жамғарма тўғрисидаги низомни ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 1-уйда жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари жойлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси марказий аппаратини, унинг ҳудудий бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасини зарур инвентарлар, ташкилий техника билан жиҳозлаш ҳамда хизматга оид зарур автотранспорт воситаларини харид қилиш учун маблағлар, шунингдек, хизматдаги автотранспорт воситалари таъминотига тегишли лимитлар ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ўрнатилган тартибда телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат алоқаси ва Интернет алоқаси билан, шунингдек қўмитанинг самарали ишлаши учун зарур бўлган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахбороти юборилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

219-модда

— 36 —

14 (774)-сон

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 апрель,
ПҚ-2868-сон